УзССР Давлат китоб палатаси

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ, ЯНА ОЛАМДА
АЖИБ БИР ГЎЗАЛЛИК, АЖИБ БИР БАЁТ.



СЕНИ УЛУҒЛАЙМАН БУ ҚУТЛУҒ ДАМДА
УЛУҒ ЕЛКАДОШИМ, МУЗАФФАР ҲАЁТ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 1 март, чоршанба №28 (21.791.) Сотувда эркин нархда.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Улуғ Рамазон ойи муносабати билан менга йўллаган илиқ табрикларингиз учун Сизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Сизнинг олижаноб ҳис-туйғуларингизга қўшилиб, ўз номимдан Сиз, жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва шахсий муваффақият, дўст ўзбек халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

СУХАРТО,
Индонезия Республикаси Президенти.

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилинди.

Парламент қарорини қандай изоҳлаш мумкин?

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан

Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Конституциянинг 89-модда, 2-қисмида акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти 1991 йил охирида умумхалқ сайлови натижасида беш йил муддатга сайланган эди, яъни Президентнинг ваколати 1997 йилга қадар давом этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эса 1994 йил охирида сайланиб, беш йил муддатдан иборат ваколатга эга бўлади. Унинг ваколати 2000 йилгача давом этади.

Бундай вазиятда, табиийки, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат муддатлари жиҳатидан номутаносиблик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги бу номутаносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган муддатга қадар узайтириш тақозо этилади.

Нега бу масала айни ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда?

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланаётган, бошқарувнинг самарали шакли вужудга келаётган бир пайтда, иқтисодиётимизда оламшумул ислоҳотлар жорий этилаётган бир пайтда, маънавиятимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболига хизмат қилаётган бир пайтда, лўнда қилиб айтганда, халқимизнинг ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни оғишмасдан, беҳуда тортишувларсиз, ғоят изчиллик билан охирига етказиш даркор.

Иккинчидан, дунё тажрибаси шуни кўрсатдики, давлат бошқаруви

тармоқлари бўлмиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши, уларнинг келажакда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши учун, олдинда турган муаммо ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом мусобақа шароитида фаол меҳнат қилишлари учун қулай замин яратади.

Қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатидан мутаносиблиги сайловчиларнинг айни шу даврдаги онги ва кайфиятига ҳам тўла жавоб беради, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учинчидан, ўтказиладиган референдум нафақат Президент ваколатини узайтириш масаласига умумхалқ муносабатини белгилабгина қолмасдан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатига, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга, истиқбол сарҳ қўйилаётган қадамларимизга, умуман, жамиятдаги ислоҳотларга сайловчиларнинг асл муносабатларини ҳам аниқлашга имкон беради.

Тўртинчидан. Бугун — режа ва мақсадларимизни амалга оширишнинг энг нозик ва энг масъулиятли бир пайти. Айни шундай шароитда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларнинг ва давлат бошлиғининг фаолияти муддатини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортиқча сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, ишончга сазовор бўлган барча шахслар халқимизга берган ваъдаларига вафодор бўлиб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаши, меҳнат қилиши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми тўғрисида АХБОРОТ

1995 йил 28 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XIV пленуми бўлиб ўтди. Унда, шунингдек, Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган бир гуруҳ депутатлар, партиянинг Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, Марказий Кенгаш таркибига кирмаган Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари раҳбарлари ҳамда оммавий-ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Пленум муҳокамасига Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган ҳамда 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалалар киритилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилди.

Музокарада Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов, Наманган давлат университети декани И. Юсупов, Сирдарё ГРЭСи директори В. Миликисьянц, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши иккинчи котиби Г. Маъруфова, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов қатнашдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум мамлакат Президенти маърузасида баён этилган ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ХДП ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаларини белгилади ва Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Президенти ваколатларини узайтириш масаласи бўйича шу йилнинг 26 март куни Ўзбекистон референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини маъқуллади, ХДПнинг барча таркибий тузилмаларини ҳокимликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари билан мазкур муҳим давлат аҳамиятига молик сиёсий тадбирни юксак уюшқоқлик асосида амалга оширишга йўналтирди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири вазифасида ишлаб келаётган Х. Авезов Сиёсий Ижроқўм аъзоси ва Марказий Кенгаш котиби — ташкилий ишлар бўлими мудири этиб сайланди.

Пленум партия ҳаётига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК БИРИНЧИ КОТИБИ АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ МАРКАЗИЙ КЕНГАШ XIV ПЛЕНУМИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Шу кунларда ҳаммамиз мамлакатимиз ҳаётида юз берган улкан сиёсий воқеанинг таъсири остида яшамоқдамиз. Тарихимизда илк бор кўппартиялилик асосидаги демократик сайловлар натижасида шаклланган мустақил Ўзбекистон давлат ҳокимияти энг юқори қонун чиқарувчи идораси — Олий Мажлиснинг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

У, асосан, Олий Мажлис ва унинг қўмиталари раҳбарларини ҳамда бошқа ишчи органларини тузди.

Республика парламенти Ўзбекистон Президенти ва Олий Мажлисига сайлов муддатларини яқинлаштириш мақсадида, Президент ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис, шунингдек, давлат ҳаётининг айрим муҳим масалаларини кўриб чиқди, сиёсий партиялар ҳамда ҳокимият вакиллик идоралари Олий Мажлис депутатлари фракцияларини рўйхатга олди.

***

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари»га бағишланган маърузаси Олий Мажлис биринчи сессиясидаги марказий воқеа бўлди.

Дастурий аҳамиятга молик ушбу ҳужжатда мустақиллик йилларида мамлакатимиз босиб ўтган йўл ҳар томонлама чуқур таҳлил этилди, тараққиётимизнинг ўзимизга хос танлаб олинган йўлининг хусусиятлари, орттирилган тажрибага суяниб, очиб берилди, унга муайян аниқликлар киритилди, миллий истиқлолимиз истиқболларининг бош тамойиллари ҳамда Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идоралари фаолиятларининг устивор йўналишлари асосланди.

Маъруза кенг қамровли ва чуқур мазмунли бўлиб, унда олға сурилган ғоялар татбиқи, муаммолар ечими узоқ муддатли ишдир. Бироқ, шиддаткор давримиз, халқимиз туб манфаатларининг долзарб талаблари биздан, фурсатни бой бермай, партиямиз ташкилотлари, ХДПдан парламент ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатлар гуруҳларининг мазкур ҳужжатда ифода этилган асосий қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган биринчи галдаги вазифаларни тезкорлик билан аниқлаб олишни тақозо этмоқда.

Хўш, маърузадаги асосий қоида ва хулосалар, бизнинг назаримизда, нималардан иборат? Улар, маърузада, ўз йўналишлари бўйича, **тўрт туркумга** бўлинган.

Дастлабки туркум қоида ва хулосалар мустақил Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий тараққиёти масалаларига тааллуқлидирлар. Мустақиллик шароитида бошдан кечирган давримиз ривожланишимизнинг танланган йўлини халқимиз тарихининг илдизларига пайванд, унинг ҳозирги кундаги манфаатларига мос ва истиқболдаги эҳтиёжларига монанд эканлигини исботлади. Жумладан, мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди, кўппартиялилик сайловлари негизида Олий Мажлисдан тортиб, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришгача бўлган давлат ҳокимияти вакиллик идоралари яхлит тизими вужудга келтирилди, ижро ва суд ҳокимиятлари янгича тармоқлари шакллантирилди. Лўнда қилиб айтганда, мамлакатимизда янги ижтимоий-сиёсий тизим барпо этилди. Бу сиёсий ислоҳотларнинг муттасил давом эттириш ҳамда уларни ҳар томонлама чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Маърузадан келиб чиқувчи қоида ва хулосаларнинг кейинги туркуми иқтисодиёт муаммоларига бағишланади.

Бу ерда таъкидланганидек, дастлаб, бизга мустабидчилик давридан мерос бўлиб ўтган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда бошланган, иқтисодий ислоҳотларнинг, бозор муносабатларини жорий қилишнинг ҳуқуқий негизлари яратилди.

Кўрилган чоралар туфайли, яъни маъмурий-буйруқбозлик усулида қурилган халқ хўжалигини бошқарув тизимини тубдан янгилаш, шўролар ҳукмронлиги даврида жамоавий аталиб, аслида ҳеч кимникига айланган мулкни унинг ҳақиқий эгасига топшириш, яъни мулкий муносабатларни чуқур ислоҳ қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни халқ манфаатларига йўналтириш, аҳолини, хусусан, унинг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя

(Давоми 2-бетда).

(Маруза қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ XIV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

1. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида» қилган дастурий аҳамиятга молик маърузаси асосий қоидалари ва хулосалари тўлалигича қўллаб-қувватлансин.

Партиямизнинг барча кенгаш ва ташкилотлари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятни демократиялаш ва уни маънавий-ахлоқий юксалтириш, инсонни камол топтиришдек, маърузада қўйилган, вазифаларни ҳал этишда ўз ўринларини топиб олишлари, амалий ишлари билан ушбу умумхалқ ишида иштирок қилишлари лозим.

Ҳар бир партия ташкилотида маърузада баён этилган қоида ва хулосаларни чуқур ўрганиб чиқиш, муҳокама қилиш ва уларни бажариш бўйича аниқ тадбирлар, режаларни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблансин. Ушбу мақсадларда шу йил март ойида партия кенгашларининг пленумлари ва барча бошланғич ташкилотларида очиқ партия йиғилишлари ўтказилсин.

2. Ўзбекистон тарихида илк бор кўппартиялилик асосида ўтказилган демократик сайловлар катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлганлиги эътироф этилсин. Зеро, сайловларда халқимиз хоҳиш-иродаси ғалаба қозонганлиги, жамиятимиз барча соғлом кучлари мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишга қаратилган сиёсат атрофида янада жипслашганлиги — уларнинг бош натижасидир.

Партиямиздан барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идоралари депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун берилган овозлар унинг жамиятда юксак обрў-эътиборга эгалигини намойиш қилганлиги таъкидлансин.

Сайловолди мавсумида сайловчилар билан олиб борилган оммавий-сиёсий ва тарғибот-ташвиқот ишларини танқидий мушоҳада этиш, унинг ижобий томонларидан партиянинг аҳоли турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари орасида таъсирини янада кенгайтириш, нуфузини ошириш учун фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон ХДП учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳокимият маҳаллий вакиллик идоларида ўз расмий фракцияларига эга бўлиш — муҳим ютуқ ҳамда катта масъулияттдир.

Партиянинг парламентчилик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилсин, унинг, эндиликда, Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари ва унинг сайловолди Сиёсий дасту-

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ XIV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1995 ЙИЛ 26 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март куни референдум ўтказиш тўғрисидаги қарори қўллаб-қувватлансин. Референдум Олий Мажлис ва ижроия ҳокимият ваколатлари ўртасидаги вақт жиҳатдан мавжуд номутаносибликни бартараф этиш мақсадида ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий зарурат, деб ҳисоблансин. Ўзбекистон халқлари манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган бу иш ҳокимият икки муҳим — қонун чиқариш ва ижроия тизимларининг аҳиллик билан ўзаро келишиб ишлашини таъминлаш имконини беради-ки, у жамиятда барқарорлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ислоҳотлар сиёсатини муваффақиятли ўтказишнинг муҳим омилидир.

2. Ўзбекистон ХДПнинг барча ташкилот ва кенгашлари ўтган сайлов мавсуми тажрибасига таяниб, жойларда референдумни ўтказиш ҳақидаги қарорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган ишларни собитқадамлик билан авж олдириб юборсинлар. Бу ишда ҳокимият ва бошқарув идоралари, бошқа сиёсий партиялар, республика жамоат ташкилотлари билан куч-ғайратларини бирлаштирсинлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини узайтиришнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан зарурлигини тушунтириш бўйича фаол тарғибот-ташвиқот ишлари кўпайтирилсин. Одамларни, аниқ-равшан мисолларда, республика раҳбарияти ўтказаётган сиёсат уларнинг туб манфаатларига жавоб беришда, унинг уч йил мобайнидаги танг ҳолатларни бартараф этишда, мустақил давлатимиз гуллаб-яшнаши учун ишончли ва пишиқ-пухта асослар яратишда ўз самарадорлигини амалда кўрсатганлигига ишонтириш лозим.

3. Марказий Кенгаш аъзолари ва бўлимларига ушбу масалаларда маҳаллий партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилсин. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон ХДПнинг референдумни ўтказишдаги иштироки Тадбирлари режасини ишлаб чиқсин.

4. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газетлари таҳририятлари, партия кенгашлари матбуот нашрлари референдумни ўтказиш масалаларини кенг қуламда ва холисона ёритиб, умумхалқ овоз бериши ижобий натижалар билан якунланиши йўлидаги жамоатчилик фикрини шакллантирсинлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилиш давлат сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, миллий пулимиз барқарорлиги — сўмни муомалага киритиш ва уни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа таъсирчан чоралар натижасида иқтисодий ўпирилишга йўл қўйилмади, халқ хўжалигининг барқарорлиги сақлаб қолинди, ҳаттоки, кейинги пайтларда ишлаб чиқаришнинг ўсиш аломатлари кўзга ташлана бошлади.

Масалан, биз билан бир қаторда мустақилликка эришган мамлакатларнинг кўпчилигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 50 фоизгача қисқарган бўлса, ўзимизда у атиги 2 фоизни ташкил этди. Ўтган йили саноатимиз 1993 йилга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Маълум ижобий силжишлар қишлоқ хўжалигида ҳам юз бермоқда.

Мана шулар боис, республикамизга четдан келтирилаётган нефть ва нефть маҳсулотлари 6-7, гўшт ва сут 2-3, дон ва ун маҳсулотлари 2 марта камайди.

1994 йил давомида ташқи савдо ялпи ҳажмининг 5,5 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 800 миллион АҚШ долларига тенглашганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Ҳукуматимиз кўраётган қатъий чоралар Ўзбекистонда нарх-навони ўсишини ҳамдўстлигимизнинг бошқа мамлакатларига қараганда сезиларли даражада паст бўлишлигини таъминламоқдалар.

Шундай қилиб, ҳаётнинг ўзи мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги бизга маълум беш тамойилнинг тўғри эканлигини тасдиқламоқда.

Юртимизда кенг қулоч ёзаётган миллий уйғониш жараёнининг маънавий жиҳатларига дахлдор қоида ва хулосалар маърузада катта эътибор берилган масалалар туркумини ташкил этган.

Жаҳон халқлари маънавий тараққиёти хазинасига ўзининг бетакрор дурдоналари билан муносиб ҳисса қўшиб келган Ватанимизда маънавиятдек беқиёс ижтимоий ҳодиса, истиқлол боис, ўз ҳақ-ҳуқуқига тикланди, ўзининг тегишли юксак мақомига эга бўлди.

Тарихий ўтмишимиздан бизни маҳрум этган, миллий қадриятларимизни топтаган, маънавиятимизни камситган, 70 йил давомида бутун ижтимоий онгимизни чулғаб олишга ҳаракат қилган, ақидапарастлик мафкурасининг танҳо ҳокимлигига чек қўйилди. Демократик тартиботларнинг муҳим таркибий белгиси — ижтимоий ғоялар, сиёсий фаолият хилма-хиллигини таъминлашнинг зарур шарт-шароитлари вужудга келтирилди.

Азалий маънавий қадриятларимиз қайта тикланиб, улардан халқимиз, истиқболимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Иқтисодий, мулкий ва маънавий ривожланишнинг бир-бирига пайвасталиги, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги чуқур англаниб, мазкур соҳалардаги ислоҳотларнинг омухталигига эришиш мақсади йўлида йирик саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Маърузада миллий хавфсизликни таъминлашга оид қоида ва хулосалар туркумидан алоҳида ўрин олганлар.

Мустақиллик йилларида бу соҳада жиддий қадамлар қўйилди. Республика фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, конституцион тузумни муҳофаза этишнинг таъсирчан тизими яратилди. Мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларимизнинг дахлсизлигини таъминловчи миллий Қуролли Кучларимиз ва миллий хавфсизлик хизмати вужудга келтирилди. Узбекистоннинг ташқи хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг жамоавий мудофаа иттифоқи доирасида фаол иштирок этмоқдамиз. Минтақада тенглик ва осойишталикни тўла қарор топтиришни кўзлаб, Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарани ҳимоя қилиш ишига ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистондаги биродаркушлик урушини тўхтатишга қаратилган ташаббуслар билан чиқмоқда.

Ўзбекистон ўзининг очиқ, тинчликсевар ташқи сиёсати ила дунёда муносиб ўрин топмоқда, Шарқ Ғарбнинг кўплаб мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Қиссадан ҳисса шуки, Ўзбекистон адолатли, инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуришнинг, ўз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг, истиқлолимиз истиқболларини таъминлашнинг танланган йўлидан собитқадамлик билан бормоқда ҳамда бу борада жиддий ютуқларга эришмоқда.

Бироқ, маърузада таъкидланганидек, хотиржамликка берилиш учун ҳеч қандай асосимиз йўқ.

Бунинг сабаби ушбу ҳужжатнинг ўзида кўрсатиб ўтилди. Яъни,биз қурилажак жамиятнинг пойдеворини ярата бошладик, холос. Демак, асосий ишлар ҳали олдинда.

Эндиликда, ҳозиргача амалга оширилган ишлардан ҳам мураккаброқларини бажаришга шайланмоғимиз лозим.

Устига устак, эришган марраларимизнинг ўзи олдимизга кўплаб янги-янги саволларга жавоб топиш вазифасини қўймоқда, муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу умуммиллий, умумдавлат, умумхалқ аҳамиятига молик масалалар, уларни ечиш йўллари ҳақида маърузада батафсил тўхталинган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларидан жамиятимиз сиёсий тизимидаги ўз мавқеи, зиммасига олган масъулияти, дастурий мақсадлари, сайловчиларга берган ваъдалари ҳамда жиддий салоҳиятидан келиб чиқиб, ушбу ўта муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ўринларини топиб олмоқлари талаб этилади.

Сиёсий ижроқўм, Марказий Кенгаш ва барча даражадаги ташкилотларимизнинг маърузада баён этилган ғояларни рўёбга чиқариш бўйича фаолиятларининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Назарий соҳада:

— партиямизнинг аъзолари, фаоллари, унинг руҳияти бўйича сайланган депутатлар, республика илм-фан, ақл-заковат салоҳиятига таяниб, жамиятимиз тараққиёт йўли хусусиятлари ва босқичларини аниқлаш, қураётган давлатчилигимиз шакл ҳамда қиёфасини илмий тахмин, таҳлил қилиш;

— жамиятимиз ижтимоий — маънавий асосларини белгиловчи ғояларни, уларнинг сарчашмалари, мазмун ҳамда моҳияти юзасидан тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш;

— мамлакатимизда қурилаётган демократик, одил жамиятнинг, Шарқ демократиясининг азалийлигини, ўзига хослигини, унинг Ғарб мамлакатларидаги кўринишларидан муҳим фарқини очиб бериш;

— истиқлол маънавияти, миллий тафаккурни шакллантириш жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга жамиятшунос олимларнинг диққатини қаратиш;

— иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг қонуният ва хусусиятларини, бозор муносабатларига ўтишнинг ижтимоий натижа ҳамда оқибатларини илмий асослаш ва бошқалар .

Хўш, буларни биз қай йўсинда бажармоқчимиз?

Албатта, ўзини ҳурмат қилувчи, ҳар қандай жиддий сиёсий партия назарий фаолият билан шуғулланиши шарт. Шу билан бирга, айрим ўта мураккаб ва долзарб муаммоларни илмий тадқиқ қилишни давлат ҳокимияти вакиллик идораларидаги депутатлик гуруҳларимиз парламентчилик фаолияти воситасида махсус буюртмалар шаклида тегишли илмфан муассасаларига оширишга эришиш ниятидамиз.

Тарғибот-ташвиқот ишлари соҳасида:

— маърузада баён этилган қоида ва хулосаларни, олға сурилган ғояларни партиямиз аъзолари томонидан ҳар томонлама, чуқур ўрганишни, уларни аҳоли барча табақалари ўртасида режали асосда тарғиб ва ташвиқ қилишни ташкил қилиш лозим. Улардан, фуқароларда, айниқса, ёшларимизда юксак ватанпарварлик миллий онг, тадбиркорлик, изланувчанлик, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, меҳнатсеварлик, умуминсоний ва шарқона ахлоқ-одоб меъёрларига риоя этиш ҳислатларини шакллантириш ишларида самарали фойдаланиш муҳимдир;

— ушбу мақсадларда барча даражалардаги партиямиз кенгаш ва ташкилотларига давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маданият масканлари, аҳоли истиқомат жойларида турли-туман тадбирлар — илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, мулоқот соатлари, сиёсий ахборот кунлари, учрашувлар, кечалар, фаолларимиз билан семинарларни мунтазам равишда ўтказиб туришларини тавсия этамиз;

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали ҳамда партия қуйи ташкилотлари матбуот нашрлари таҳририятларидан, маърузада журналистларга, бутун матбуотчиларга йўналтирилган кескин танқиддан келиб чиққан ҳолда,ўз фаолиятларини қайта ташкил этиш талаб этилади.

Парламентчилик фаолияти соҳасида:

— парламентчилик фаолияти қўникмаларини ҳосил қилиш, партиямиз депутатлик фракцияларининг ишларини йўлга қўйиш;

— Олий Мажлис қўмита ва комиссияларидаги депутатларимиз фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик фракцияларимизга услубий ёрдам кўрсатиш, хорижий турдош партиялар, уларнинг парламент фракциялари билан амалий алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, тажрибаларини ўрганиш;

— барча даражалардаги партиямиз депутатлари мунтазам ўқувларини ташкил қилиш;

— «Ўзбекистон янги аср бошида» ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш;

— сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш;

— сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимиз, жамоат ташкилотлари мавқеи ва фаолиятларига доир ҳамда фуқароларнинг тинчлигини амалда кафолатловчи қонунлар тизимларини яратишда фаол иштирок этиш, хусусан, «Қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага олиш ҳақидаги» қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тезлатишга самарали ҳисса қўшиш ва бошқалар.

Биз партиямиз ташкилотларининг маърузадан келиб чиқадиган биринчи галдаги асосий вазифаларига тўхталдик. Ўз-ўзидан тушунарлики, депутатлар гуруҳларимиз, партия кенгашларимиз, ташкилотларимиз маҳаллий шарт-шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб, ушбу вазифаларни бажариш бўйича махсус режалар тузадилар, тадбирлар белгилайдилар ҳамда ўз куч-ғайратларини уларни рўёбга чиқаришга сарфлайдилар.

***

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисида 1995 йилнинг 26 март, якшанба куни референдум ўтказиш ҳақидаги қарори биз учун муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасининг 9-бандига мувофиқ, Президент, давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғи сифатида, Бош вазирни, унинг ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ҳамда республика идораларининг бошқа раҳбарларини тайинлайди. Сўнгра парламент уларни тасдиқлайди. Айни пайтда, Конституциянинг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини соқит қилади.

Бу моддалар умум эътироф этилган меъёрлар ва халқаро амалиётга тўла мос келади, ҳукуматнинг мамлакат қонун чиқарувчи олий органи томонидан назорат қилиб турилишини таъминлайди ҳамда ҳокимият икки муҳим тизимининг баҳамжиҳат ишлашига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституциянга биноан, бир вақтнинг ўзида давлат бошлиғи ва Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади. Президент 1991 йил декабрь охирида умумхалқ овоз бериши натижасида беш йил муддатга, яъни 1997 йилгача сайланган. Мамлакатимизнинг янги сайланган парламентининг ваколат муддати эса 2000 йилгачадир.

Шу тариқа, сессияда таъкидлаб ўтилганидек, Олий Мажлис ва Ўзбекистон Президенти ваколатлари ўртасида вақт жиҳатидан муайян номутаносиблик вужудга келиб қолди. Бу ҳолат натижасида, республика ҳукуматининг парламент ваколати муддати даврида икки марта, яъни парламент сайланганда ва икки йилдан сўнг Президент яна сайланганда, қайтадан тайинланиши ва тасдиқланиши зарурати юзага келади. Бу ҳолнинг ҳукумат фаолияти барқарорлигига путур етказиши муқаррардир.

Президент ва Олий Мажлис ваколатлари даврлари муддатлари ўртасидаги фарқ ҳукуматни шакллантириш масаласида ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқариш мумкин. Чунки, уни шакллантириш жараёнида парламент таркибидаги фракциялар ва блокларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳам муҳим ўрин тутади. Жамиятда муросага келиш ва тотувликни таъминлашда, шубҳасиз, ҳукумат таркиби парламентдаги сиёсий ва ижтимоий кучлар нисбатини ўзида акс эттириши зарур.

Олий Мажлис мана шу ҳолатларни инобатга олиб, энг аввало, жамиятда барқарорлик ва иноқликни мустаҳкамлаш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларининг умумий мақсадлар йўлида аҳиллик билан ишлашини таъминлаш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз Президенти ваколат муддатларини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича шу йилнинг 26 мартида умумхалқ референдуми ўтказишга қарор қилди.

Мазкур масала юзасидан референдум ўтказиш, ўз моҳият эътибори, аҳамиятига кўра, Президент сайловини ўтказиш билан баробардир. Зеро, халқ шу йўл билан яна бир бор Президент шахсига, у ўтказаётган сиёсатга ўз муносабатини ифода қилади.

Референдумнинг муваффақиятли ўтиши мамлакатимиз, халқимиз, бизнинг партиямиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Пленумимизнинг Олий Мажлис қабул қилган мазкур қарорни якдиллик билан қўллаб-қувватлаши тўғри бўлур эди.

Партиямизнинг барча ташкилотлари ва кенгашлари референдумга тайёргарлик ва уни ўтказиш ишларига фаол қўшилишлари керак. Сайловолди мавсумида тўпланган тажрибага суяниб, Президент бошчилигида республика раҳбариятининг, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери ўтган даврдаги, ислоҳотлар сиёсати моҳиятини фуқароларга кенг, теран, чуқур тушунтириш лозим.

Бу ишларни амалга оширишда Президентимизнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси ғояларини ҳар томонлама тушунтириш ўта муҳимдир. Референдумни ўтказиш ишларида партиянинг бутун салоҳиятини тўла ишга солиш, сафарбар қилмоқ зарур.

Референдумни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга ХДПдан барча даражадаги ҳокимият вакиллик идораларига сайланган депутатларни жалб этиш зарур. Партиямиз ташкилотлари ва кенгашларининг барча тегишли ҳокимликлар, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик ва ўз-ўзини бошқарув идоралари билан ҳамкорликда ишлашга, жамоат ташкилотлари ҳамда уюшмаларини, шунингдек, жамиятимизнинг бошқа сиёсий партияларини даъватимизни қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Референдум партиямиз учун сиёсий етукликка яна бир жиддий имтиҳон бўлади. Унинг ижобий ҳал бўлишига эришиш бутун Ўзбекистон ХДПнинг айни шу кунлардаги бош вазифасидир. Партиямиз, референдумнинг ижобий натижалари билан яна бир бор ўзини жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучи эканлигини намойиш этишига аминмиз.

***

Юқоридаги вазифаларни муваффақиятли бажариш, хусусан, олдимизда турган референдумни муваффақиятли ўтказиш учун 1994 йилнинг 25 декабрида Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг партиямиз фаолиятига даҳлдор асосий якунларига сизнинг диққатингизни яна бир бор жалб этиш, уларнинг натижасини таҳлил қилиш асосида тегишли хулосалар, сиёсий сабоқлар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий ижроқўм сайловларда партиямизнинг иштироки тўғрисидаги махсус ахборотни маҳаллий кенгашларга юбориш ниятида. Шу боис, ушбу масаланинг асосий жиҳатларига тўхталамиз, холос.

Сайловлар мустақил мамлакатимиз тараққиётининг, жамиятимизни демократиялаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Улар маърифатли дунёда синалган демократик меъёрлар негизида ўтказилди.

Сайловларнинг қай тарзда ўтганлиги маълум бўлсада, уларнинг айрим хусусиятларига диққатингизни тортмоқчиман. **Энг аввало** мазкур сайловларнинг олдингиларидан туб фарқи шундаки, улар миллий мустақиллик шароитида, ташқи кучларнинг ҳеч қандай тазйиқи ёки йўл-йўриғисиз, эркин-эмин ўтди.

Иккинчидан, бу — тарихимизда давлат ҳокимияти вакиллик идораларига кўппартиялилик асосида ўтган биринчи сайловлардир. Уларнинг, айни пайтда, тартибли, белгиланган қоидалар асосида, осойишта вазиятда ўтганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Умуман олганда, сайловлар мустақил Узбекистон ўзи танлаган йўлдан, демократия сари қатъий бораётганлигини кўрсатди.

Сайловларнинг муваффақиятли ўтишида Узбекистон Халқ демократик партиясининг салмоқли ҳиссаси бор, дейишга ҳақлимиз. Партимиз сайловларни узоқдан туриб кузатмади, уларнинг қандай ўтказилишига бефарқ қараб турмади, балки шу муҳим сиёсий воқеанинг фаол иштирокчиси бўлишга, ўзининг имкониятлари ва ўйлаб қилинган хатти-ҳаракатлари билан мазкур жараёнга ижобий таъсир кўрсатишга интилди.

Ушбу мақсадда бир ой муддат ичида Марказий Кенгашнинг иккита пленуми, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи, маҳаллий партия кенгашларининг пленумлари, бошланғич ташкилотларимизнинг йиғилишлари ўтказилди. Партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастури ишлаб чиқилди. Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти вакиллик идоралари депутатлигига номзодларимиз кўрсатилди. Сайловчилар ўртасида кенг миқёсларда оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Сайловларнинг умумий натижасини биламиз: Республика Олий Мажлиси депутати этиб партиямиздан 69 киши сайланди. Бу парламентдаги барча депутатларнинг 28 фоизига тенгдир. Ўзбекистон ХДП вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлари орасида қарийб 37 фоизни, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланганлар ичида — 48 фоизни ташкил этади.

Олий Мажлисга сайлов якунига кўра, Тошкент шаҳар ва Сурхондарё вилоят партия ташкилотлари энг яхши натижаларга эга бўлдилар. Пойтахт сайлов округларида ХДПдан кўрсатилган 13 нафар депутат ёки барча номзодларимизнинг қарийб 45 фоизи сайланди. Сурхондарёда партиямиздан сайловларда иштирок этган 11 номзоддан 6 нафари ёхуд 54,5 фоизи ғалаба қозонди.

Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларининг аъзолари сайловларида партиямизнинг иштироки ёмон бўлмади. Сайланган барча депутатларнинг: Сурхондарёда — 65,5; Сирдарёда — 59.0; Қорақалпоғистонда — 46,5; Тошкент шаҳрида — 45,0; Қашқадарёда — 44,0 фоизи ХДП вакилларидир.

Туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган барча депутатларнинг қарийб ярми ёхуд 2860 киши партиямиз рўйхатидан ўтганлардир. Бу ерда ҳам юқорида номлари айтилган партия ташкилотлари пешқадамлардирлар. Партиямиздан номзодлар Сурхондарё шаҳар ва туман маҳаллий Кенгашларидаги барча ўринларнинг 75 фоиздан ортиқроғини; Қашқадарёда — 74,5; Қорақалпоғистонда — 56,0; Сирдарёда — 53,5 фоизни эгалладилар.

Фақат муваффақиятларни таъкидлаш билан чекланмай, сайловолди мавсумида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам ҳар томонлама таҳлил этишимиз, уларнинг сабабларини аниқлашимиз, улардан тегишли сабоқлар чиқаришимиз биз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Афсуски, баъзи бир вилоят, шаҳар ва туманларда сайловлар натижаси қувонарли бўлмади. Масалан, партиямиз рўйхатидан парламент аъзолигига сайланганлар орасида Бухоро вилоятидан иккита, Навоий ва Хоразм вилоятларидан биттадан вакил бор, холос.

Хўш, бундай ҳолларнинг асосий сабаблари нимада? Масалага, ҳаттоки, юзаки қараганда ҳам қуйидагилар яққол кўзга ташланади.

Биринчи. Сайловларга киришаётганимизда, муқобил номзодлар курашида ёрқин, обрў-эътиборли шахсларни танлаш ҳал қилувчи омил бўлишлиги тўғрисида огоҳлантиришларимизга қарамасдан, қатор партия ташкилотлари бу ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйдилар.

Фаолларни, уларнинг фазилат ва имкониятлари, аҳоли ўртасидаги мавқеи ва салбий томонларини яхши билмаслигимиз сабабли айрим жойларда депутатлик учун курашга тайёр бўлмаган кишилар партиямиздан номзод этиб кўрсатилди.

Иккинчи. Баъзибир маҳаллий партия ташкилотларининг саркорлари сайловолди ишларига яхши тайёрланмадилар, юқори партия ташкилотларининг йўл-йўриқ ва маслаҳатларини назар-писанд этмай, ўз хатти-ҳаракатлари билан умумий ишга жиддий зарар етказдилар.

Учинчи. Сайловлар партиямиз маҳаллий ташкилотлари раҳбарларининг бир қисми Узбекистон ХДП тамомила янгича сиёсий ташкилот бўлиб, унинг тузилганидан буён уч йилдан ошиқроқ вақт ўтганига қарамай, ҳамон эски юк билан юрганлигини кўрсатди. Улар одамлар билан ишлашнинг замонавий шакл ва услубларини ўзлаштира олмадилар, сайловолди курашининг стратегия ва тактикаси масалаларида эски ўзанлардан бордилар. Ташкилотчилик, курашчанлик, нотиқлик, оммани ўзининг кетидан эргаштира билиш қобилиятларига эга бўлмаган, ўзининг мавқеи ва обрўйига ортиқча ишонганларни эл танимаслиги, уларни қўллаб-қувватламаслиги 25 декабрь куни очиқ билинди.

Тўртинчи. Сайловлар партиямизнинг қуйи бўғинлари, айниқса, унинг бошланғич ташкилотларида энг кўп муаммолар йиғилиб қолганлигини намоён этди. Уларнинг каттагина қисми сайловолди мавсумида ўзини кўрсата олмади, ХДП аъзоларини фаол ҳаракатларга ундашга ночорлик қилди.

Агар, биз яқин вақт ичида партиямизнинг қуйи бўғинлари фаолиятини янгидан ташкил этмасак, уларни ташаббускор, омилкор, фидойи саркорлар билан мустаҳкамламасак, келгусидаги сайловларда мағлубиятга учрамаслигимиз учун ҳеч қандай кафолат йўқ.

Бешинчи. Сайловолди оммавий-сиёсий ишларимизда талайгина хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Оммавий тадбирлар — йиғилишлар, номзодлар билан учрашувлар, радио ва телевиденеда чиқишларнинг кучига ортиқча баҳо бериб, сайловчилар билан яккама-якка ишлаш, маҳалла ва хонадонларда кўпроқ бўлишга кам эътибор қилдик. Партимиз сайловолди Сиёсий дастурининг ҳаётий қоидалари, даъваткор шиорларидан самарали фойдалана олмадик. Ҳаттоки, депутатликка номзодларимизнинг дастурларини ишлаб чиқишда унга таянишни унутиб қўйдик. Шундай сабабларга кўра, биздан номзодлари кўрсатилган айрим йирик фан ва адабиёт арбоблари, тажрибали раҳбарлар ҳам депутатликка сайланмай қолдилар.

Марказий Кенгаш жойларда тўпланган тажрибага асосланиб, ташкилотларимизга одамлар билан ишлашнинг энг таъсирчан воситалари ҳисобланган — амалий ишларга кўпроқ эътибор беришни тавсия берган эди. Қаердаки, сайловларни кутмасдан шундай қилган бўлсалар, ўша ерда одамлар номзодларимиз дастурлари, уларнинг ишончли вакиллари ва тарғиботчи — ташвиқотчиларимизнинг сўзларига ишондилар, партиямиз вакиллари учун овоз бердилар.

Олтинчи. Сайловлар баъзи бир сафдошларимизнинг эътиқодсизлигини, айрим ташкилотларимизнинг сиёсий савияси паст эканлигини ҳам аён қилди. Партиямизнинг баъзи бир аъзолари бошқа сиёсий партиянинг номзодларига ишончли вакиллик қилдилар. Бундайларга нисбатан, эндиликда, бизнинг ишончимиз қандай бўлмоғи керак?

Бундан хулоса шуки, партия сафларига қабул қилишни яхшилашимиз, шунингдек, ХДП аъзоларини дастурий ғояларимиз руҳида тарбиялаш масаласи долзарблигини унутмаслигимиз лозим.

Бўлиб ўтган сайловлар нафақат мамлакатимиздаги сиёсий вазиятни, балки Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам ижтимоий ҳаётдаги мавқеини жиддий равишда ўзгартириб юборди.

Эндиликда, дастурий ғояларимизни ҳаётга татбиқ этишда партиямиз фаолиятининг муҳим шакли — парламентчилик ишидан иборат бўлади. Бошқача айтганда, партиямиз мустақил Узбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этиш йўллари тўғрисидаги ўз нуқтаи назарини, қарашларини Олий Мажлисда ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларидаги расмий фракцияларимиз орқали шакллантиради ҳамда қатъий туриб уларни имоя қилади.

Ижозатингиз билан мамлакат парламенти ўзининг мазкур сессиясида рўйхатга олган ундаги расмий фракциямиз тўғрисида қисқача тўхтаб ўтсам. У партиямиздан сайланган ХДП аъзолари ва партиясиз депутатларни бирлаштирди. Фракциямиз сон жиҳатидан жуда катта бўлмаса-да, аммо таркибининг сифати жиҳатидан, етарли даражада салоҳиятлидир.

Вазифа — ана шу куч, салоҳиятдан оқилона фойдаланишдан иборат.

***

Узбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгандан буён давом этиб келган машаққатли тикланиш, изланиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш даври асосан тугалланди. Унинг йўл бошида шакланган тузилмалари ва аппарати деярли ўзгармаган ҳолда ўз зиммаларига юкланган мураккаб вазифаларни бажариб келмоқдалар.

Умуман олганда, маъмурий ҳудудлар чегарасида ташкил топган партиямиз тузилмалари барқарор фаолият кўрсатдилар. Уларнинг кўпчилиги ўз шаҳар, туман, вилоят, жамоалари сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, аҳоли ҳурматига сазовор бўлдилар. Бунинг натижаси ўлароқ ХДП сафларига қабул қилиш кучайди. Ўтган — 1994 йилда 42 минг нафардан зиёдроқ кишига партия билетлари топширилди. Бу 1993 йилдагига нисбатан 6120 кишига кўпдир. Ҳозир партиямизнинг қарийб 400 мингга яқин аъзоси бор.

ХДПга қабул қиланаётганларнинг деярли ярмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ўқитувчилар ва ижодкор зиёлиларнинг сафларимизга кўплаб қўшилаётганлиги қувонарлидир. Партиямиз барча аъзоларининг 95 фоизи олий ва ўрта маълумотга эга.

Партиямиз фаоллари таркибида бирмунча ўзгаришлар рўй бераётганлиги кўзга ташланмоқда. Бошлангич партия ташкилотлари котиблари орасида хотин-қизлар сони 10 фоизга ошди.

Партия аппаратини ишчан, билимли, эътиқодли ходимлар, хусусан, ёшлар билан тўлдиришга эътибор кучаймоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг халқаро алоқалари ривожланмоқда. Хитой ва Ҳиндистоннинг мамлакатни идора этувчи партиялари, Германия Социал-демократик партияси билан алоқалар давом эттирилди. Австрия Социалистик партияси, Корея меҳнат партияси, Тунис конституцион-демократик партияси раҳбариятларидан ҳамкорлик қилиш хусусида таклифлар олдик.

Марказий Кенгашда Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Тунис, Россиянинг Узбекистон-

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

даги элчилари, бир қатор давлатларнинг дипломатик вакиллари, Аденауэр жамғармаси ва Россия Давлат Думасининг делегациялари қабул қилинди.

Ушбу тадбирлар партиямизнинг халқаро обрўйини оширишга, хориж жамоатчилигига Ўзбекистон, ХДП тўғрисида кенгроқ маълумот беришга хизмат қилди.

Демократик арконлар ривожланган мамлакатларда ҳаракат қилаётган сиёсий партияларнинг тажрибасини, хусусан, парламентчилик фаолиятини ўрганиш лозимлиги муносабати билан партиямизнинг халқаро алоқаларини янги поғонага кўтариш зарурати туғилди. Навбатдаги вазифа — биз алоқа ўрнатган турдош партиялар доирасини кенгайтириш ва умумий танишувдан турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликка ўтишдир.

Партиямиз фаолиятида тобора муносиб ўрин эгаллаётган мафкуравий ва оммавий-сиёсий ишларнинг асосий йўналишлари ҳисобот даврида қуйидагилар бўлди:

Энг аввало, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари томонидан партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини чуқур ўрганишни ташкил этиш ҳамда унинг қоидаларини аҳоли барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб қилиш.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти ва тақдириломон аҳамиятини халққа тушунтиришни давом этдириш ва, нихоят, партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурини ишлаб чиқиш, унинг мазмуни ҳамда даъватларини оммалаштириш.

Мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, хусусан, ўтган сайловлар туфайли Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тузилмалари ва фаолиятини қайта ташкил этиш масаласини кун тартибига қўйди.

Парламентчилик фаолиятининг биз учун кўп жиҳатдан янгилигини ҳисобга олиб, шу соҳада назарий изланишлар олиб боришни йўлга қўйиш, бу ишда партиямиз тасарруфига ўтган «Мулоқот» журналидан кенг фойдаланиш лозим. Айни замонда, журнал атрофида мамлакатимизнинг соғлом фикрли, ХДПга хайрихоҳ жамиятшунос олимларни тўплаб, уларнинг ёрдамида ташкилотларимизнинг парламентчилик фаолияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг боришини тадқиқ қилиш мумкин. Партиянинг парламентчилик фаолияти концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан дадил қадамлар қўйиш ҳаётий заруртга айланмоқда.

Фикримизча, партиямизнинг тарғибот-ташвиқот соҳасидаги ишларини ҳам тегишли равишда қайта кўриб чиқиш масаласи пишиб етилди. Республика раҳбарияти сиёсий йўлининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш ҳамда партиянинг дастурий мақсадларини халқ ўртасида тарғиб этиш вазифалари бундан кейин ҳам муҳимлигича қолаверади. Шу билан бирга, эндиликда, партиянинг парламентчилик фаолиятини оммавий - сиёсий жиҳатдан қўллаб - қувватлаш ҳам тақозо этилмоқда.

Сайловолди ишлари тажрибаси партиямизнинг жамоат бирлашмалари билан алоқаларини ривожлантириш лозимлигини талаб қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, Марказий Кенгаш таркибида сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар бўлимини тузиш айни муддао бўлур эди.

Янги шароитда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг негизини ташкил этувчи бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш долзарб масала бўлиб қолди. Ҳозиргача партиямизнинг бошланғич ташкилотларини асосан ишлаб чиқариш соҳаларида тузишга зўр берилди.

Сайловолди мавсумида айни ҳудудий ташкилотлар кўпроқ бўлган ва амалда фаолият кўрсатган жойларда сайловчилар билан ишлашда яхши натижаларга эришилди. Масалан, Тошкент шаҳар партия кенгашининг сайловларда муваффақиятини таъминлаган асосий омилларидан бири пойтахт маҳаллаларида 394 та ҳудудий бошланғич ташкилотларнинг тузилганлиги бўлди.

Шундан келиб чиқиб, яқин давр ичида ҳудудий ташкилотлар Ўзбекистон ХДПнинг асосий тузилмавий бўғинига айланиши ва партия қуйи бўғини тузилмаларини ишлаб чиқариш-ҳудудий шаклларидан, асосан, уларнинг ҳудудий шаклига ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Партиямиз ташкилотларининг самарали ишлашлари ва сиёсий таъсир ўтказиши, кўп жиҳатдан, уларнинг молиявий аҳволига боғлиқдир. Ўзбекистон ХДП ташкил этилгандан бери унинг барча бўғинларини ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш бўйича бажарилган ишлар, жумладан ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини йўлга қўйишга оид чора-тадбирлар партиямиз ташкилотларининг бундан кейинги фаолиятлари учун муайян негизни вужудга келтириш имконини берди.

1994 йилги партия бюджети ижросининг таҳлили, партиянинг молиявий аҳволининг анча барқарорлашганини кўрсатмоқда. 21 миллион 392 минг сўм даромад қилинди, сарф-харажатлар эса 18 миллион 764 минг сўмни ташкил этди.

1995 йил бюджети лойиҳасида унинг даромадлар қисмини 42 млн. 674 минг сўм миқдорида, сарф-харажатларни — 43 млн. 480 минг сўм миқдорида тасдиқлаш таклиф этилади. Шунда бюджетдаги камомад 1 млн. 76 минг 400 сўмга ёки икки ярим фоизга тенг бўлади.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, Марказий Кенгаш Ишлар бошқармаси, вилоят партия кенгашлари даромадларни кўпайтиришнинг қўшимча манбаларини қидириб топиш, молиявий ва моддий воситалардан тежаб-тергаб фойдаланишни кучайтириш чора-тадбирларини кўришлари даркор. Ички партиявий ва молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш, партия аъзолик бадалларини тўлаш, ишлаб чиқариш - хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш, барча даражадаги партия ташкилотлари ва кенгашларида ҳисоб - китоб ва ҳисоботни йўлга қўйишда зарур тартиб ўрнатиш талаб қилинади.

***

Шундай қилиб, бугунги дунёда ўзининг муносиб ўрнини топиб олишга қаттиқ бел боғлаган Ватанимиз кенгликларида туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий янгиланиш рўй бермоқда. Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар ана шу йўлда муҳим қадам бўлди.

Сайловлар, қисқа муддатда оёққа туриб, мамлакатимизда кенг танилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси — жамиятимизнинг таъсирчан кучига айланаётганлигини кўрсатди. Партиямиз бунга ўзининг илғор ғоялари, халқ манфаатлари ва ислоҳотлар йўлига ҳамоҳанг сиёсати, хайрли амалий ишлари туфайли эришди.

Халқимизнинг сайловларда бизга билдирган ишончни оқлаш учун партиямизнинг фаолиятини ҳозирги даврдаги талаблари руҳида ташкил қилишимиз, демократик йўл билан қўлга киритилган имкониятлар — парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идоралари ишларидаги иштирокимиздан, олийжаноб мақсадларимиз, сайловолди Сиёсий дастуримизда баён этилган ваъдаларни рўёбга чиқаришда самарали фойдаланишимиз талаб этилади.

Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, олдимизда турган биринчи галдаги вазифалар, асосан, шулардан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ XIV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ри ғояларини рўёбга чиқаришдаги асосий омил, бош восита бўлишлиги уқтириб ўтилсин.

Партиянинг парламентчилик фаолияти асосий йўналишлари ишлаб чиқилсин, бунда партия расмий фракциялари фаолиятининг шакллари ва усуллари, шунингдек, Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар — қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқларини тўла-тўкис, беками-кўст амалга оширишни таъминлаш масалалари ҳам кўзда тутилсин. Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатлар фракциясига ўз таркибида маърузада белгилаб берилган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳлари ва комиссияларини тузиш тавсия этилсин.

Партиянинг барча даражадаги кенгашлари ва ташкилотлари Ўзбекистон ХДПнинг тегишли депутатлари фракциялари билан ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсинлар. Партиямиз рўйхатидан сайланган депутатларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз депутатлик ваколатларини бажаришда кўмаклашиш, сайловчилар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бериш уларнинг муҳим иши эканлиги уқтирилсин.

3. ХДП ташкилотлари ва барча даражадаги кенгашлари фаолиятида бош йўналиш — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлини оммавий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишга кўмаклашиш эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Партия барча ташкилотлари Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг маърузада олға сурилган асосий тамойилларини партиямиз аъзолари, кенг халқ оммасига тушунтириш ишларини авж олдириб юборсинлар. Бу ишлар жараёнида кишиларда ислоҳотлар моҳиятини теран тушунишга эришишга, улардаги Ватанимизнинг истиқболда гуллаб-яшнашига бўлган ишончни мустаҳкамлашга ва айрим кишилар онгидаги лоқайдлик, боқимандалик кайфиятларини бартараф қилишга алоҳида эътибор бериш лозимлиги қайд қилинсин.

Партиядаги мавжуд ақлзиё салоҳиятини, куч-ғайратни жамиятда рўй бераётган жараёнларни изчил ўрганиш, мушоҳада этиш, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш ва демократиялаштириш йўлида сайъ-ҳаракати тажрибасини умумлаштириш йўналтириш керак. «Ўзбекистон XXI аср бошида» ривожланиш давлат дастури ва юртимизда ислоҳотларни ўтказиш билан боғлиқ стратегик йўлни ҳаётга собитқадамлик билан жорий этишни таъминловчи таклиф ва дастурларни ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшиш Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳамда депутатлик фракцияларининг муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва унинг барча даражадаги кенгашлари мустақилликнинг маънавий негизларини шакллантириш каби умумдавлат вазифасини ҳал этишда фаол қатнашсинлар. Улар Миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида жамиятни янада жипслаштиришга ҳисса қўшишлари, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросида юксак ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришга кўмаклашишлари лозим.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми ўз дастурий мақсадларига кўра, ХДПга яқин бўлган хорижий сиёсий партиялар билан алоқаларни янада ривожлантиришни таъминласин. Улар билан парламент фракциялари даражасида алоқалар ва мулоқот доирасини кенгайтиришга кўмаклашсин.

5. Партиямизни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг тузилмаларини такомиллаштириш, барча бўғинларининг иши самарадорлигини ошириш муттасил таъминлаб борилсин.

Партия сафларини тўлдиришда қарор топаётган ижобий тамойиллар мустаҳкамлансин. Бунда ХДПнинг ижтимоий негизини илмий ва ижодий зиёлилар, хотин-қизлар, иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлган кишиларни партиямиз сафларига янада фаолроқ жалб этиш ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Яқин орадаги даврда ҳудудий бошланғич ташкилотлар партиямизда асосий тузилмавий бўғин бўлиб қолишини ҳисобга олиб, уларни ташкил этиш ва мавжудлари фаолияти самарадорлигини ошириш ишлари жадаллаштирилсин.

***

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми партиямизнинг барча аъзолари, кенгаш ва ташкилотларини Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида олға сурган тақдириломон вазифаларни рисоладагидай амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб, ўзларининг олижаноб бурчларини адо этишга чақиради.

Яссавий зиёратгоҳи яшармоқда

Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматона ва қалбларга ором берувчи даҳоларча сўзларига мафтун бўлган жаҳонгир Амир Темур, Аҳмад Яссавий ҳикматларини ҳаётий дастурлардан бири деб, тан олди. Катта ва узоқ газотга отланаётганда ёки галдаги ғалаба шодиёнасидан сўнг Яссавий қабрини зиёрат қилар ва илоҳиётдан яна мадад олгандай, кучига-куч қўшиларди.

Бу сафар ҳам Олтин Урда хонлиги Тўхтамишхон устидан қозонилган зўр ғалаба ҳамда Темур Мўғулистон амирзодаси Ҳизрҳўжахоннинг қизи Тугалхонимни аёлликка олиш маросими муносабати билан Ясси шаҳрига келди. Адолат ва меҳр-шафқатга ундовчи ҳикматлари билан элу элат қалбидан чуқур жой олган ҳазрат Султоннинг кичик мақбарасига келиб, руҳини шод қилди ва 1395 йил сентябрь ойида Хожа Аҳмад Яссавийнинг эски қабри ўрнига янги ҳашаматли ва қўркам мемориал мавзолей қуришга фармон берди.

Эшикдаги асл мисдан кўркам ва ўймакорлик ила қўйилган ҳашаматли ҳалқада ҳижрий 797 ёки 1394—1395 йиллар деган ёзув бор.

Қурилиш иншоотининг жадал ва сифатли олиб борилишини соҳибқирон Темур садоқатли шогирди, ишбилармон тоштарош уста Мавлоно Убайдулло содирнинг зиммасига юклайди. Мақбаранинг узунлиги 65,5, эни 46,5 метрни ташкил этиб, учта гумбаздан иборат. Жамоатхона гумбазининг диаметри 41 газ, айланаси эса 130 газ мусаммон (саккиз қиррали юлдуз) шаклида бўлишини Темурнинг ўзи белгилаб берган, деб маълумот беради тарихчи.

Ҳазрат Яссавий қабрига ўрнатилган (яшил рангли нифрит) мармар тош Ҳиндистондан келтирилган. Мақбарадаги 35 хонанинг ҳар бири ўзига хос бетакрор нафис, мустаҳкам меъморчилик нақши ва безаклар ила йўғрилган. Ташқи деворларига ҳам «Қуръон» оятларидан сирли безаклар шаклида нақшинкор ёзувлар битилган.

Мақбаранинг шимол томонидан деворнинг юқори қатҳига «Оллоҳ рабби», «Муҳаммад — наби», «Оллоҳу акбар», «Субҳон оллоҳ» каби ибора ва оятлар ёзилганки, у — соҳибқирон Темурнинг мусулмон бандаларини ислом динига эътиқод қилишга даъват етувчи мангу обида, кечаю кундуз офтоб нуридай жилоланиб ёнувчи тошчалар, нақшинлар товланиб турибди ва янада порлаб туражакдир, иншооллоҳ.

Демак, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам шайхул машойих Аҳмад Яссавийга, унинг «Девони ҳикмат»га эътиқоди чексиз бўлганки, Темур Қурагоннинг жаҳон узра ягона ва бетакрор тухфаси: «Яссавий мақбара (кошона)си» ҳамда «Яссавий дошқозони» чексиз эътиқод рамзи сифатида жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирмоқда.

Соҳибқирон Темурнинг куч-қудратига шубҳангиз бўлса, Туркистон шаҳри азимда барпо этилган Яссавий мақбарасини томоша қил! — дегандай салобат ила савлат тўкиб турибди.

600 йилдирки, Темур Қурагон меҳр ва садоқат ила барпо этган бетакрор мақбарага хон ва бекларнинг подшоҳ юксак амалдорларнинг узаро уруш жанжаллари, тахт-тож учун курашлари тенгсиз обиданинг оёқ ости бўлишига, эътиборсиз емирилиб кетиш даражасигача сабаб бўлди.

Масалан, 1864 йил ёз ойларида генерал Черняев ва полковник Верёвкин қўмондонлигидаги қўшинлар Туркистонни қамал қилади. Халқлар паноҳ истаб бекинган Аҳмад Яссавий мақбарасига ҳам отилган даҳшатли замбарак ўқлари зарбидан мақбаранинг ўн бир жойи қаттиқ шикастланади, кошонанинг тўрт жойини замбарак ўқи тешиб вайронага айлантиради. Кошонанинг биқинидаги тиргак шаклидаги гиштдан тикланган учта устун ёвузлик белгиси бўлиб сақланмоқда. Мақбара қурилишининг сеҳрли сирларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий ишлар ўзининг натижасини бермоқда: қурилишнинг бош меъмори — Хўжа Ҳасан Шерозий, дошқозоннинг моҳир устаси — Абдулазиз ибн Шарафиддин Табризий эканлиги аниқланди.

Исфаҳонлик Изамиддин ибн Тожитдин жаҳонгир амрига биноан 1347 йили бешта тилла ва нуқра симлар таҳнишон ёки симкорлик услуби билан парчинланган шамдон ясайди.

Нақшинлар ўйма безаклар ила тароват таратиб турувчи эшикларни эса уста Сафар ясаганлиги маълум.

Азалдан ўзбек халқи нодир обидалар яратган ва уни кўз қорачиғидай эъзозлашга ҳаракат этган.

1583—1598 йилларда Бухоро хони Абдуллахон II томонидан мақбаранинг тугалланмай қолган асосий пештоқлари ишланади ҳамда таъмирланади. Пештоқ деворларидаги ҳамон сақланиб қолган ёғочлар ана шундан далолат.

Ўзбек ва қозоқ халқи азалдан тили, дили ҳамда мақсадлари бир хил, бир ариқдан сув ичиб қондош бўлган бағри кенг буюк халқ. Темурнинг невараси Абу Саид 1451 йил Самарқандни қўлга киритишда ҳарбий ёрдам берган Абулхайрхонга Мирзо Улуғбекнинг қизи Темурнинг эвараси Робия Султон бегимни никоҳ қилиб беради. Доно ва зукко Робия Султонбегим шарафига ўрнатилган мақбара 1898 йилларда бузилиб, унинг гиштлари ҳар хил мақсадда ишлатиб юборилади. Шукроналар бўлсинки, 1992 йилда бу мақбара қайтадан қўркам ва ҳашаматли қилиб асл ҳолатига келтирилди.

1951—1957 йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўзаро келишган ҳолда анча таъмирлаш ишлари бажарилди. Халқ тўплаган пул ҳам таъмирлаш ишларига сарфланди.

Ниҳоят, 1991 йил. Ўзбек ва қозоқ халқи елкасига мустақиллик шабадаси тегди. 1992 йилда Туркиянинг ҳозирги Президенти Сулаймон Демирэлнинг Нурсултон Назарбоев билан Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат этишини ва қабр олдида сажда қилишини эсланг.

Бу ерда сайёҳ ва зиёратчилар учун имкониятлар яратилган. Масалан, Япония, Корея, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Англия, Олмония, Франция АҚШдан зиёратчилар дарёдай оқиб келишмоқда.

1994 йил апрель ойининг жума куни. Бу гал шаҳар ҳокими С. Сугирбоев шаҳардаги идора, корхона, ташкилот раҳбарларини мажлисга эмас, Аҳмад Яссавий ва Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим мақбараси атрофини ободонлаштириш, дарахт ва гул кўчатларини утқазишга таклиф этди.

Нафақат Аҳмад Яссавий кошонасининг, таъмирланиши балки буюк кошонанинг атрофи гуллар ва мевали кўчатлар билан безаниши Аҳмад Яссавий ва Робия Султонбегим кошонаси қўркига кўрк, улуғлигига улуғлик қўшиб, бузуруклар қадамжосига интиқ дилларнинг қалбига ҳузурбахш кайфият бағишлаб, қалбларига малҳам бўлгусидир, иншооллоҳ.

Валиуллоҳ шайхул машойих Хожа Аҳмад Яссавий:

Мани ҳикматларим оламда султон,
Қилур бир лаҳзада чўлни гулистон.
Дуру гавҳар сўзимни эшитиб, ўқ,
Агар олим бўлса, жоним тасаддуқ.

—деб 900 йил аввал башорат этганлигининг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Бағри яйловларидай беғубор кенг меҳмондўст Туркистон шаҳри азимга, кундан-кунга яшараётган, Яссавий кошонасига, марҳабо, азизлар!

Эргаш ЭЛНАЗАР,
Маҳкам МАҲМУД.

ҲАЛҚАРО КЎЗГУ

ЯНГИ НАЗОРАТ НУҚТАСИ

Россия-Польша чегарасида янги назорат нуқтаси очилди. Мазкур нуқтадаги замонавий божхона мажмуаси бир кеча-кундузда 800 дан ортиқ енгил ва юк автомобилларини ҳамда икки ярим мингдан ортиқ йўловчини текширувдан ўтказишга мўлжалланган. Эндиликда Калининграддан Гданск ва Берлин шаҳарларига қисқа йўл орқали бориш имконияти туғилди.

ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШГА КИРИШИЛДИ

Россия Фанлар академияси олимларининг таъкидлашича, Приморье ўлкасининг шимоли ва шимолий шарқида катта нефть ва газ конлари мавжуд. Айни пайтда ўлка маъмурияти нефть ва газ конларини ўрганиш учун 1995-1997 йилларга мўлжалланган пухта дастурини ишлаб чиқишга киришди.

МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

Япония ташқи ишлар вазири Йохэй Коно 2 март куни Токиода Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козирев билан учрашади.

Учрашувда бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган ҳудудий муаммолар, Россияда ўтказилаётган ислоҳотлар келажаги ва Чеченистондаги воқеалар муҳокама қилинади.

ПАСПОРТ ЯНГИЛАНАДИ

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб Грузияда хорижга чиқадиган республика фуқаролари учун бериладиган паспорт янгиланади. Францияда тайёрланаётган ана шундай ҳужжатларнинг бир қисми Тбилисига келтирилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Маълум бўлишича, шу пайтгача амалда бўлган собиқ Иттифоқ паспортидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳоллари кўп учраган экан.

РОССИЯГА СОТИЛГАН ЖОСУС

Англиянинг Би-Би-Си телеканали орқали АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси (МРБ)нинг собиқ юқори лавозимли ходими Олдриж Эймас ҳақида кўрсатув берилди.

У тўққиз йил мобайнида Россия хавфсизлик хизматига АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан ўтказилиши лозим бўлган юздан ортиқ пинҳоний операциялар тўғрисида батафсил маълумот бериб борган. Бунинг эвазига эса Олдриж Россиядан бир неча миллион доллар олган экан.

ФУҚАРОЛАР УРУШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кот-Дивуар (Фил суяги қирғоғи) Республикасида фуқаролар уруши ҳамон давом этмоқда. Мамлакат Мудофаа вазирлигининг берган маълумотларига кўра, сўнгги тўрт йил ичида ҳукумат қўшинлари билан Бирлашган инқилоб фронти жангариларининг тўқнашувлари натижасида 9 мингга яқин киши ҳалок бўлган.

ЖАНГАРИЛАР ГУРУҲИ ТУГАТИЛДИ

Туркиянинг алпинист-ўқчи гуруҳи Ширнак вилоятидаги тоғларда ўрнашиб олган 37 нафар курд ишчи партияси аъзоларидан иборат жангарилар гуруҳини тугатди. Диёрбакир вилоятида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида эса 70 га яқин курд партияси тарафдорлари ҳалок бўлган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Кенгашганга кенг дунё

ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ

Кейинги пайтда Тошкент Давлат Аграр университетида қўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, университетнинг мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўртасида халқаро анжуманлар ўтказиш марказига айланиб бораётгани қувонарли. «Кенгашганга кенг дунё» деб бежиз айтилмаган. Узаро фикр, тажриба алмашиш, фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ўқув жараёнига кенг жорий этиш фойдадан холи бўлмайди.

Яқинда бу ерда дорилфунун ректори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг академиги Э. Шайховнинг саъй-ҳаракати билан яна бир халқаро семинар ўтказилди. Унда АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Бутунжаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти, Голландиянинг Гаага шаҳридаги ижтимоий тадқиқотлар институти вакиллари иштирок этдилар. Бундан ташқари республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлари академияси, Ўзбекистон сув хўжалигини лойиҳалаш, Ўзбекистон мева-сабзавот, виночилик саноати, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик қурилишини лойиҳалаш муассасалари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига дахлдор бошқа йирик муассасалар раҳбарлари, олимлар, етук мутахассислардан иборат тингловчилар бир ойлик назарий ва амалий машғулотлар мобайнида бозор иқтисодиёти масалалари билан боғлиқ мавзуларни чуқур ўргандилар.

Бундай анжуманларнинг республикамизда қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини ҳорижий давлатлар эришган бой тажриба асосида амалга оширишга ёрдам бериши, шубҳасиз.

Бундан ташқари университетимизда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни чуқур ўрганиш ва амалиётга жорий қилишга бағишланган семинарлар тез-тез утказилмоқда. Ана шундай семинар — ўқиш ректоримизнинг саъй-ҳаракати билан ташкил қилинган.

Бундай ўқув-семинар университетнинг иқтисод ва бухгалтерия факультетлари қошида олиб борилмоқда. Ўқитувчиларимиз асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган чораларни ва бошқа муҳим ҳужжатларни мукаммал ўрганмоқдалар ва шу асосда талабалар ўқувини такомиллаштириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Бундай ўқувнинг асосий ютуғи шундаки, унда малакали назариётчи ва амалиётчи олим, мутахассисларнинг қизиқарли, мазмунли ва ҳаётий маърузаларини тинглаш билан бирга ўқитувчиларнинг ўзаро фикр алмашишлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Муҳими улар талабаларни ўқитишда қизиқарли манбага эга бўладилар. Ўқиш натижалари бўйича рефератларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Сўнгги семинар-ўқиш профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий анжуманига уланиб кетди. Унда Покистондан келган «МИНФИН» кооператив банкининг федерал директори Саид Сахол Аҳмад, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессорлари Қ. Ҳамдамов, С. Қосимов ва М. Шокироплларнинг қизиқарли чиқишлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида деҳқон (фермер) хўжалигининг ривожланиш (банк тизимининг) кичик бизнеснинг иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришдаги роли ва ўрнига бағишланди. Илмий анжуман 2 кун давомида 3 секцияда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда хўжалик шаклларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ЭҲМдан фойдаланиш масалаларига бағишланди. Секцияларда барча ўқитувчилар иштирок этишди ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Илмий анжуман материаллари тезис ҳолда китобча шаклида чоп этилди. Бу илмий анжуман ўзининг мазмуни, қўйилган масалалари ва ҳаётий муаммоларини қамраб олганлиги билан аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Семинар-ўқиш ва илмий анжуман қатнашчилари катта назарий ва амалий билимга эга бўлдилар. Бу эса албатта, бўлажак қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлашда ўз самарасини беради.

Университетимиз Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан халқаро алоқаларни кенг йўлга қўйганлиги ҳақида кўп марта таъкидлаганмиз. Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли кенг имкониятлар юзага келди. Ўқув-услубий ишларини янги жаҳага кўтариш, дунёвий илмларни кенг тадбиқ қила боришда халқаро борди-келдиларнинг ўрни беқиёсдир. Яқинда АҚШнинг Миссисипи штати университетига бир гуруҳ иқтидорли олимларимиз сафар қилишди. Улар у ерда малака ошириб, тажриба орттирдилар.

— Бир ой давомида Америка Қўшма Штатларининг Миссисипи университетида сафарда бўлдик, — дейди университетимизнинг тарбиявий ишлар бўйича проректори А. Аҳмаджонова. — Ушбу билим масканининг дастури асосида таълим ва солиқ тизимлари, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларидаги фан-техника ютуқлари билан танишдик. Даставвал олимлар, етакчи ўқитувчилар маърузалар ўқидилар. Миссисипи штати қишлоқ хўжалиги ривожланишига иқлими жиҳатидан жуда хос бўлганлиги туфайли бу соҳа кенг ривожланган. Америкаликлар иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган навқирон мамлакатимиз вакилларига эришган ютуқларини намойиш этдилар.

Университетда таълим тизимининг ўзига хос томонлари мавжуд. Таълим, илмий изланиш, илмий ишларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши бизга маъқул бўлди. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ўқитувчи талабаларга билим бериш билан бирга университет тажриба станциясида илмий ишлар олиб боради. Илмий-тадқиқотларни ўтказиш учун барча шароит бор. Айниқса, чорвачиликнинг барча йўналишлари — паррандачилик, йилқичилик, қорамолчилик фермалари кенг кўламда ишлайди. Тадқиқотлар натижалари умумлаштирилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилишга тавсия этилади.

Хуллас, АҚШдаги сафар чоғида биз фан-техника ютуқларининг сўнгги намуналарини кўрдик.

Шу боис бизда ҳам фан-техниканинг замонавий ютуқлари ўқиш жараёнларига кенг тадбиқ этилаётир. Маълумки, олий ўқув юртини тугаллаб, ишлаб чиқаришга йўлланма олган ёш мутахассиснинг билим доираси кенглиги янги иқтисодий шароитда қай тарзда иш юрита олишлиги шу илм даргоҳи сифат кўрсаткичининг даражасини ифодалайди. Шу сабабли, дорилфунунимиз барча ихтисосликлари учун ахборот ҳисоблаш техникаси, ишлаб чиқариш жараёнларини иқтисодий математик моделлаштириш ва бошқаришни кибернетика назарияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, фанларни чуқурроқ ўргатиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири, деб ҳисоблаймоқда. Зеро, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратувчи ёш, билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаб бериш — бизнинг асосий вазифамиз. Бу йўлда кенгашиб, узаро тажриба алмашиб ишлаш фақат ютуқлар омили бўлади.

Саидасрор ҒУЛОМОВ,
Тошкент Давлат Аграр университети агробизнес ва менежмент кафедраси мудири, ЎзҚХФА академиги.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганига уч йил тўлди

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзо давлат бўлиб кирди. Мана шу ўтган уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси БМТ нинг кўпгина ташкилотлари ва институтлари билан яқиндан амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Булар: БМТнинг ривожланиш дастури, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши, Бутун дунё почта иттифоқи, Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро қайта тиклаш ва ривожланиш банки, БМТ нинг болаларга ёрдам кўрсатиш жамғармаси, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро электр алоқа иттифоқи, Бутун дунё метереология ташкилоти, БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури, Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик, БМТнинг таълим, илм ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, фуқаро авиацияси бўйича ҳалқаро ташкилот, БМТнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ташкилоти ва бошқалардир.

Жаҳондаги 125 давлат Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида тан олди, республикамиз 80 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди, 50 га яқин хорижий элчихона ва ваколатхоналар Тошкентда ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 48-сессиясида иштирок этди ва Президентимиз олий минбардан мустақил Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан нутқ сўзлади. Ватанимиз учун тарихий ҳисобланган бу анжуман мустақил Ўзбекистонимизни ва асрлар оша орзу қилиб келган истиқлолимизни бутун дунё ҳамжамияти тан олишида муҳим рол ўйнади. Шунингдек, республикамиз ташқи ишлар вазири бошчилигидаги расмий ҳайъат БМТ Бош Ассамблеясининг 49-сессиясида иштирок этди.

БМТнинг Тошкентдаги минтақавий Ваколатхонаси ўз фаолиятини 1993 йилнинг 24 октябрида бошлади. Ушбу ваколатхонанинг тантанали очилишида Президентимиз иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мазкур ваколатхона ва республика Ташқи ишлар вазирлигининг фаол иштирокида Тошкентда кўпгина халқаро тадбирлар бўлиб ўтди. 1994 йилнинг августидаги Тожикистонга иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича БМТнинг минтақавий семинари, 1994 йилнинг 3-7 октябридаги наркотик моддаларни контрол қилиш бўйича БМТнинг минтақавий семинари, 1994 йилнинг октябридаги БМТнинг ноҳукумат ташкилотлар бўйича семинари, 1994 йилнинг 15-16 октябридаги Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигини нишонлаш бўйича ЮНЕСКОнинг Халқаро конференцияси, 1994 йилнинг ноябридаги Бутун дунё метереология ташкилотининг Орол денгизини сақлаб қолиш бўйича Халқаро конференцияси, Бутун дунё туристик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» мавзуидаги йиғилиши ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Сўнгги пайтларда БМТ ҳомийлигида халқаро можароларни ҳал этиш мақсадида бир қатор уринишлар амалга оширилди, шунингдек табиий офатлар ва ҳарбий тўқнашувлар оқибатида азоб чеккан аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда. Шу муносабат билан БМТ Бош котибининг топшириғига биноан БМТнинг махсус вакиллари жаноб Маҳмуд Мистири ва Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштириш бўйича Бюро директори Миссурис Сотирис республикамизга ташриф буюришди. Мазкур ҳайъат Президентимиз томонидан қабул қилинди ва Афғонистондаги аҳвол муҳокама этилди. Шунингдек, БМТ Бош котибининг ўринбосари жаноб Марек Гоулдинг давлатимиз раҳбари билан учрашди. Ушбу учрашувда БМТ ва унинг ташкил этувчи органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари, минтақамиздаги ҳамкорлик ва хавфсизлик муаммолари, Тожикистондаги ҳамда тожик-афғон чегарасидаги аҳволни барқарорлаштириш хусусида фикр-мулоҳазалар алмашинди.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг аъзоси сифатида унинг Афғонистондаги ва Тожикистондаги ваколатхоналари ходимларининг нормал фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берди.

Бутун дунё ҳамжамияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллик тўйи арафасида турибди. Бу йил ушбу тантана барча БМТга аъзо давлатларда кенг нишонланади. Республикамиз ҳукумати ушбу тадбирга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига амал қилиб келмоқда ва ушбу нуфузли ташкилотнинг барча аъзоларини дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни юксалтириш, барча халқлар ва миллатлар орасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, гўзал ва бетакрор табиатимизни муҳофаза қилишга чақиради.

Салим АШУР

ЖОВЛИ БОБО. ЎНГ ОЁҚНИНГ ҲАЁТИЙ ЙЎЛИ

(Баллада)

1

Бахту бахтсизлиги билан туғилди,
Туғилди отаси ўлган кечада.
Асрларга сиғмай бўғилди,
Бўғилди уйда ҳам кўчада.
Хивичдан от ясаб ёз капасида,
Қишнинг ўтовида ўйнаб юрди у.
Ҳеч ким чиқолмаган тоғ тепасига
Гул очилса, чиқиб турди у.
Гоҳо қадамида гуллар очилса,
Гоҳо қадамида гуллар сўлдилар.
Гоҳо қадамида туғилса Ҳаёт,
Гоҳо туғилдилар ўлимлар.
Биринчи синфга бораётганда
Ковуш билан зийнатланди у.
Ўнинчидан шундоқ қайтганда
Кунжакларга соя ташлади кулгу.
Сўнг гулзор эмас,бурганзор, тўқайзорларда
Бошланди меҳнат деб аталган сайри.
Унинг азобларидан қирилса янтоқлар,
Унинг лаззатларидан унди гулхайри.
Бир бор Ўғил момо жўжасин босди,
Бир бор ошиб ўтди катта довонни.
Бир бор Норқул бобо набирасини
Илондан сақлади товони.
Тоққа ҳам чиқди у, ғорга ҳам тушди,
Борди машриқ, мағриб, мактаб-аълога.
Чўлларни ҳам кезди, бўстонларни ҳам,
Тўғон ҳам бўлмоқчи бўлди дарёга.
Шу алфоз у қанча яшаган бўлса,
Шоҳона либоси — ягона этик.
Бир бор Нор қароқчи онасин сўкканда
Турмади кўрқувда, турмади эгик...
Заминдан кўкарган навдага ўхшаб
Гуллади, яшнади ўсаверди тик.
Бир бор «доҳий»ни зиёрат қилди,
Москвага кўрди тадорик...

2

Ҳозир бўлса эди, о, балки дунё
Кўрмаган бир буюк қаср қурарди.
Эҳтимол, Лев Яшин дарвозасига
Ҳеч ким уролмаган голни урарди...

3

Қирқ биринчи йилнинг ёзида
Поезд, мошин кўрди. Ва юрди яёв.
Наздида пойтахтга кириб келаётгандай,
Ул зотни олиб кетаётгандай ёв.
Йўлда аскарларга қўшилди,
Олиб оқди даҳшатли оқин.
Она юртдан жуда узоққа
Ва ажалга борарди яқин.
Аввал фақат чекинди. Умри
Бино бўлиб кўрмаганди бундай хўрликни.
Бир бор ўнглиги иш бериб,
Кўрсатиб қўйди фрицга зўрликни.
Ҳар қадамни душман танклари узра ташлаб,
Жуда яқин қунларга қараб югурди.
Мангуликка маҳкум тарихнинг
Йўлини ғалаба сорига бурди.
Жангчилар қўлида ёнди сарбаланд,
Янги бир қуёшдай арғувон байроқ.
Қайдадир йиқилиб қолганда Жовли
Берлинни топташга кетди ўнг оёқ.
Ўзин тўхтатолмай ўша шиддатда
Ўтиб кетди абадий Келажакка.
Интизор баҳорда икки жангчи бўлиб
Бизларни кўрсатди Рейхстагдан.
Зотан, юксак эдик туғилишданоқ,
Ҳар қандай Рейхстагдан зиҳор.
Ахир, ҳар биримизнинг юрагимизда
Муқаддасдан қолган мерос қасос бор.
Жовли кўп кутди оққа ўраниб,
Ўнг оёғи қайтмади бироқ.
Кимсага билдирмай аза очди ўнг оёғига,
Йўқловни эшитди балки ўнг оёқ.

4

Ўзига сидқидилдан берилган мукофотни
Ўнг оёғига ўзи чин дилдан тақдим этди.
Номини ҳам билмаган жойда қолиб кетган
Шер азамати шунга кўп ва хўп лойиқ эди.
Кейин ҳам сазовор саналиб,
Бундай мукофотнинг бир қанчасига,
Орденларини кўкрагидан олиб,
Тақди шимининг бўш почасига.

5

Жовли бобо боқиб яқинда
Ортда қолган зўр ҳаётига,
Бир бўрдоқи кўчқорни сўйиб,
Улашди ўнг оёқ ёдига.

6

Яшаса ҳам кўпдан ўнг оёқсиз,
Нолимайди ўтган кунидан.
Бир қарич қуйида ўтирар доим
Ўнг оёқнинг бўш ўрнидан.

7

Дуч келаркан, мабодо,
Айтинг, қўрқмасин ҳеч ким,
Орденлар тақиб олган,
Ўнг почаси бўм-бўш шим.

1982-95 й. й.

Ие, йўқ-е, наҳотки?!

20 ДАРАЖА СОВУҚДА

УФА шаҳрида яшовчи бир аёл туғилган кунини ёру дўстлари билан ўтказмоқчи бўлди ва бунга бир кун аввал тайёргарлик кўрди, яъни пишириқларни ҳозирлаб қўйди. Охирида чучварани ҳам тайёрлаб, равоқ (балкон)га олиб чиқди. Равоқ эса қиш изғирини пишқириб, эшикни ёпиб қўйди. Шу пайт эшик қулфи ўз-ўзидан қулфланиб қолди. Аёл қанча уринмасин очолмади. Шундай қилиб аёл 20 даража совуқда халатчан ярим соат қолиб кетди. Яхшиямки, эри ишдан келиб қолди ва хотинини «бандилик»дан қутқарди. Бироқ барибир тез ёрдам чақиришга тўғри келди. Аёл эса туғилган кунини ҳушига келиб-келмай дўхитир хонада ўтказди.

ЯГОНА НУСХАДАГИ РОМАН

БОГОТА шаҳрида яшовчи банк хизматчиси Эдгар Медина ноширликда ўзига хос «янгилик» яратди. У ўзининг ватандоши бўлмиш Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликда юз йил» китобини эни 3,5 сантиметр келадиган қоғозга кўчириб чиқди. Шунда китоб 2891 метр узунликдаги қоғозга жо бўлди. Бу антиқа китоб ҳозирча ягона нусхада.

ҚАРМОҚДА АКУЛА

ОДАТДА қармоқ билан балиқ тутилади. Бироқ ўша биз кўрган, билган ва тасаввур этган қармоқ билан ҳам акула тутса бўларкан. Мана масалан, Жанубий австралиялик Эльф Дингни олиб кўрайлик. У 1959 йил 21 апрелда Даниэл Бей кўрфазида ўзининг 58 килолик қармоғи билан 1208 килограммлик акула тутишга муваффақ бўлган. Акуланинг узунлиги 5 метру 13 сантиметрни ташкил этган.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

УНФУРУШЛАР

Айтишларича, йигит кишига омад уч маротаба кулиб боқаркан. Унинг этагидан тутиб қолган одамнинг бошига бахт қуши қўнди, деяверинг: қийинчилик нималигини билмай бир умр роҳат-фароғатда турмуш кечиради. Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги 40-озиқ-овқат дўконининг мудири Маҳсудбек Алимовнинг ҳам кейинги пайтда ишлари юришиб, босар-тусарини билмай қолди. Мудирлик дегани унинг назарида бой-бадавлат бўлишнинг бирдан-бир манбаи эди. Давлатнинг дўкони худди битмас-туганмас хазинага ўхшайди. Йўлини қилганга мулла жиринг сувдек оқиб келаверади. Қолаверса, топармоннинг ошиғи олчи. Биров билан бировнинг иши йўқ. Керакли маҳсулот бўлса бас, харидори топилаверади. Қанча танишлари ун, гуруч, ёғ сўраб, қуллуқ қилиб юришибди. Уларнинг ҳожатини чиқармаса, мудирлиги қаёқда қолади...

«Асакасавдо» ҳиссадорлик жамиятининг таъминотчиси Солижон Умаралиев пичоғи мойнинг устида турган дўкондорнинг жонига оро кирди.

— Харидор бўлса фойдаланиб қолинг, биринчи кварталнинг фондидан ортиб қолган ун бор, бераман.

Устаси фаранг таъминотчи шу топда Маҳсудбекнинг кўзига хизирдай кўриниб кетди. Икковлон бир зумда тил топишиб, унни ўзлаштириш режасини тузишди. «Асакасавдо»да ишлайвериб Солижоннинг кўзи пишиб кетган эмасми, ҳужжатлар тўғирлашни гарданига олди. Дўкон мудири эса унни ўзининг дўконига расмийлаштириб, киши кўрмас тарзда гумдон қилиб юборадиган бўлди. Бориб ҳамтовоқлари билан ишни пишитиб келди. Асака шаҳар тайёрлов, сотув корхонасининг тайёрловчиси, аввал судланган Усмон Қосимов, ҳеч ерда ишламай, меҳнатсиз даромад ортириб юрган Абдували Холмирзаев, Асака туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ҳайдовчиси Аҳмаджон Акбаров дўкон мудирининг маслакдошига айланди. Улар сохта ҳужжат билан дон маҳсулотлари комбинатидан олиб чиқилган, умумий қиймати 1 миллион 872 минг 200 сўм-купонлик биринчи навли 170 қоп унни орқа-кетини ўйламай 5 миллион 100 минг сўм-купонга харид қилиб олишди. Бу билан 3857 хўжаликнинг ризқи қийилди. Шунча маҳсулот пештахта юзини кўрмай унфурушларнинг хонадонида сақланди. Бунинг ўрнига дўконда уннинг фуқароларга тарқатилгани ҳақида сохта ҳужжатлар пайдо бўлди.

Аммо ёпиқ қозон ёпиқлигича қолмади. Ўз нафси, ҳузур-ҳаловати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кимсаларнинг ҳақиқий башараси вилоят прокуратураси ходимлари томонидан фош этилди. Унфурушлар ўзлаштирган ун маҳсулотлари ўтган йилнинг 7 июнида Хонобод орқали қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод шаҳрига олиб кетилаётган пайтда божхона ходимлари томонидан ушланди.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Мазкур иш бўйича текширишлар олиб борган прокуратура ходимлари вилоятда яна бир уюшган жиноятчиларни қўлга олди. Бу билан халқ мулкини, туз-насибасини туя қилаётган кимсаларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Жиноятчилар қонун олдида жавоб беришиб, қилмишларига яраша жазоландилар. Аммо... «Асакасавдо» ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг бамайлихотирликлари одамни таажжубга солади. Акс ҳолда 170 қоп унни ўзлаштириш унфурушларга хамирдан қил суғургандек енгил кечмас эди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ЧАВАНДОЗ ОТЧОПАРНИ ТИКЛАМОҚЧИ...

Эшмурод полвон салкам етмиш ёшда. Қарши шаҳрининг «Орол» маҳалласида яшайди. Салкам 40 йилдирки, номи кўпкари ишқибозлари тилида. Истиқлолдан кейин Эшмурод полвон маҳалласи йигитларини чорлаб, 40 дан зиёд улоқчи от олдирди. Айни кунда маҳалла йигитлари ҳар якшанба куни чавандозлик машқларини ўтказиб турибди. Эшмурод полвон эса «Отчопар» маҳалла четидаги қадимий отчопарни тиклашга бел боғлади.

— Болам, — дерди Эшмурод полвоннинг отаси, — отга меҳрибон одам 100дан кам умр кўрмайди. Умринг давомида отдан айрилма!... Ҳовлингда яхши от кишнаб турса, уйингдан хайр-барака кетмайди. Ҳа, от йигитнинг қаноти.

Дарҳақиқат, Ҳусанбой ота ўзи ният қилганидай 100 ёшда вафот этди. Эшмурод полвон ҳам от ишқибози. Йигитликда колхоз отларини боқди. Эпчил, бақувват ва чапдаст эмасми, улоқ ва пойгаларда йирик совринларни қўлга киритиб, вилоятда довруғ таратди. Унинг ҳовлисидан чиққан Бўянча, Саман, Тўриқ каби отларни мухлислар яхши билишади. Раҳматли Рўзмат Ғойипов ҳар йили вилоят марказида улоғу пойга ўтказарди. Эшмурод чавандоз бундай мусобақаларда бир неча бор совриндор бўлган. Қаршилик 80 ёшли ҳаваскор шоир Жўра бобо Лўлиев эса унга атаб шеър ҳам ёзган.

От чопганда ерлар ларзон бўлади,
Кўчқор олсанг гўштлар арзон бўлади.
Эшмурод бўридай улоқ тортганда,
Ростин айтсам, катта майдон тўлади.

Хрушчев даврида ҳам, ундан кейин ҳам отлар мажбурлаб гўштга топширилганда Эшмурод полвон кўплар қатори отларини топшириб, юганни елкасига ташлаб, кўз ёшлаб қайтган. Ҳатто, айрим раҳбарлар кўпкарини «эскилик» деб таъқиқлаб қўйишди...

— Болаларим, энди от қўйиб, чиниқадиган замон келди. Тошкентнинг қоқ марказида жаҳонгир Амир Темур от миниб турипти. Биттадан той олинглар. Кам бўлмайсизлар, ўзим устозлик қиламан...

Полвон бобонинг бу гапидан кейин бир йил ўтмай 40 тача арғумоқнинг кишнаши маҳаллани тутди. Бу орада ёш чавандозлар ҳам бўй кўрсатишди. Комил, Ҳасан, Баҳодир Ҳусанов ҳамда Рустам Маликовларга умид боғласа бўлади. Фақат отчопар бўлса бўлгани. Эшмурод полвоннинг айтишича, «Отчопар» маҳалласида ташландиқ майдон бор. Шаҳар ҳокимлиги шу майдонга розилик берса, полвон, ҳашар қилиб, расмана отчопарга айлантирмоқчи. Бундай отчопар спорт машғулотлари ва мусобақаларини ўтказишда асқотарди. Қани энди чавандоз ташаббусини Қарши шаҳар ҳокимлигию, вилоят спорт қўмитаси маъқуллашса.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сурат- топишмоқ.

Бу расм сизга нимани эслатяпти?

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.

ДИККАТ! ДИККАТ!

ЖАМҒАРМАНГИЗНИ ҚЎЙИШ УЧУН ҚУЛАЙ МАНБАИ!

"Хусусийлаштириш миллий инвестиция жамғармаси" очиқ турдаги акционерлик жамияти биринчи чиқарилган акцияларни 100 сўм номинал баҳода сотишга киришди.

Жамғарманинг акциялари акционерлик жамиятининг хусусийлаштириш жараёнида шаклланган энг ликвидли мол-мулки билан мустаҳкам ҳимояланган.

Акцияларни қуйидаги манзилда хоҳлаган куни эркин сотиб олиш ва сотиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй, 301-хона.
Телефон: 33-40-01.

БУҒДОЙДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЭНГ АРЗОН СПИРТ СОТИЛАДИ

Нархи туширилиши ҳам мумкин. Давлат белгиси — 5962-67

Телефонлар: соат 9дан 18гача — 50-03-76, 21-48-67, 47-71-82, 78-19-83. Соат 12дан 23гача — 21-41-58.

«Ўзтибтехника» республика ишлаб чиқариш-савдо бирлашмаси ташкилий ўзгартириш киритилгани туфайли

«ТИБМАҲСУЛОТ»

фирмаси деб қайта номланди. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида қабул қилинади.

«ЎЗИНКОМТОРГ» ФИРМАСИ

арзон баҳода пишиқ ғишт **СОТАДИ**

Ҳақ тўлаш усули — Сизга маъқули!

Ғишт шартнома тузилган кундан бошлаб 10—15 кун ичида харидорга етказиб берилади.

Телефон: 50-99-66.

Ўқинг, қизиқ

БИР УМРЛИК НАСИБА

Агар инсон ўз умри давомида истеъмол қилган поз-неъматларни ҳисоблаб чиқса, тахминан қуйидаги рақамлар ҳосил бўларкан:

10000 литр сув,
1000 килограмм ёғ,
7000 килограмм нон,
2000 килограмм гўшт,
5000 килограмм картошка,
5000 дона тухум,
500 килограмм туз ва ҳоказо.

Бу маҳсулотларнинг ҳаммасини бир вақтда ташиш учун бутун бошли поезд керак бўлади.

ДАРДГА ДАВО ПИЁЗ

Қадимги Юнонистон ва Рим қўшинларида аскарлар овқатига жуда кўп миқдорда пиёз солишган. Пиёз одамга куч-қувват ва ботирлик бахш этиши каромат қилинган.

Ўрта асрларда рицарлар кўксига оддий пиёздан тумор тақиб юришган. Пиёзнинг мўъжизакор хусусиятига ишонишган: бу аччиқ неъмат лашкарни ўқдан, тиғдан асрайди, деб ҳисоблашган.

Ҳамма даврларда ва ҳамма халқларда пиёзнинг шифобахш хусусияти ҳақида сўз юритилган. Қадимги славянлар пиёзни кўплаб касалликларга даво сифатида ишлатишган.

Кейинги даврда олимлар пиёздан таралувчи моддалар кўплаб бактерияларга қушанда бўлишини тасдиқлашди.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 3 март, жума куни чиқади).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Ургончда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи Х. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 00.20* *1 2 3 4 5 6.*